



ARTICLE INFO

Received: 24th October 2022
Accepted: 01st November 2022
Online: 02nd November 2022

KEY WORDS

Жиноят процессини рақамлаштириш, рақамли муддатлар, рақамли технологиялар.

Жиноят процессини такомиллаштириш мамлакатимизда олиб борилаётган суд-хуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг асосий йўналишларидан биридир. Даставвал, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига оид ахборотни тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш зарурати мустаҳкамланди. Пировард натижада мурожаатларни кўриб чиқишнинг тизими тубдан такомиллашиб, “виртуал қабулхоналар”, электрон давлат хизматлари, онлайн аукционлар, очиқ маълумотлар портали (data.gov.uz) ва

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА РАҚАМЛИ (DIGITAL) МУДДАТЛАР

Кадирова Мохигул Хамитовна

ТДЮУ Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси доценти, ю.ф.н.

E-mail: m.kadirova@tsul.uz

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273927>

ABSTRACT

Мақолада жиноят процессини соддалаштириш, процессуал муддатларни такомиллаштириш ҳамда процессуал тезкорликни таъминлаш мақсадида судгача ва суд босқичини рақамлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар илмий асослантирилган.

(my.gov.uz) маълумотлар базалари ва сайтлар (d.harid.uz) яратилди¹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармонида ҳам жиноят процессини рақамлаштиришнинг белгиланиши – шахснинг хуқуқ ва эркинликлари кафолатларининг ишончли механизмларини таъминлаш, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга хизмат қилади. Шу аснода, 1994 йил 22 сентябрда мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг юздан ортиқ нормаларида белгиланган процессуал муддатларнинг ҳам янгича

¹ Khamitovna K. M. Criminal procedural terms in the republic of Uzbekistan //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 2. – С. 280-287.



шакли “Рақамли муддатлар” яратилишига олиб келади ҳамда унинг тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, жиноят суд иш юритуви изчиллиги, кетма-кетлиги ва узлуксизлигини таъминлашга таъсирини назарий жиҳатдан тадқиқ этишни талаб этади. Ҳозирда дунёнинг барча бурчагида ҳуқуқшунослар, судьялар ва бошқа амалиёт ходимлари жиноят процессини такомиллаштириш ва соддалаштириш ҳақиқат эканлигини тўла тан олишади². Бундай изланишлар пировардида жиноят ишларини юритишнинг замонавий тартиблари вужудга кела бошлади. Улар соддалашган, суммар, тезкор деб номланиб, биргина соддалашган тартибнинг ҳозирда “Айбга икrorлик”, “Медиация”, “Трансакция” каби кўринишлари мавжуд.

² Качалова О.В. Правосудие как услуга: мировой тренд // Уголовный процесс. 2019. № 11. -С. 10; Качалова О.В., Цветков Ю.А. Электронное уголовное дело – инструмент модернизации уголовного судопроизводства // Российское правосудие. 2015. № 2. -С. 95-101; Власова В.С. К вопросу о приспособивании уголовно-процессуального механизма к цифровой реальности // Библиотека криминалиста: науч. журн. 2018. № 1. -С. 9-18; Клеандров М.И. Размышления на тему: может ли судьей быть робот? // Российское правосудие. 2018. №6. -С. 15-25; Марковичева Е.В. Влияние цифровых технологий на развитие уголовного судопроизводства // Правосудие. 2019. Т. 1, № 1. -С. 98-107; Масленникова Л.Н. К вопросу о первых результатах реализации научного проекта №18-29-16018 «Концепция построения уголовного судопроизводства, обеспечивающего доступ к правосудию в условиях развития цифровых технологий» // Lex Russica. 2020. Т. 73, №1. -С. 70-87; Пастухов П.С. Электронное вещественное доказательство в уголовном судопроизводстве // Вестник Томского государственного университета. 2015. № 396. -С. 149-153; Суходолов А.П., Бычкова А.М. Искусственный интеллект в противодействии преступности, ее прогнозировании, предупреждении и эволюции // Всероссийский криминологический журнал. 2018. Т. 12, №6. -С. 753-766.

Жумладан, жиноят процессида тезкорликка қонунда оқилона муддатлар белгилаш орқали ҳам эришиш мумкин³. Масалан, жиноят процессини ислоҳ қилиш самарасиз тартибларни кўпайтириш билан эмас, балки процессуал воситаларни оқилона тежаш, процессуал тежамкорлик билан ҳам амалга оширилади⁴.

Бизнингча, яқин ва пировард мақсадларнинг барчасига жиноят процессини рақамлаштириш орқали рақамли муддатларни ўрнатиш билан сазоввор бўлиш мумкин. Самарали жиноят процессининг зарурий элементи саналган процессуал муддатлар процессуал тежамкорлик билан узвий боғлиқ. Жиноят ишини тез ва самарали тергов қилиб, кўриб чиқиш адолатли ҳукм чиқарилиш вақтини жиноят содир этилган вақтга мумкин қадар яқинлаштириш имконини берадики, бу жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, процессуал муддатлар процесснинг адолатли бўлишини ҳам таъминлайди⁵. Шу боис, жиноят процессини рақамлаштириш орқали одил судловга жадал суръатларда, оқилона ва одилона процесс доирасида эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

³ Самылина И.Н. «Разумные сроки» в уголовном процессе // Российская юстиция, 2009. -№ 4. -С. 48-52.

⁴ Инако Ц. Современное право Японии. -М.: Прогресс, 1981. -С. 250-255; Фридмен Л. Введение в американское право: пер. с англ. - М., 1993. -С. 140-142.

⁵ Сокол Р.П. Процессуальные сроки в судебных стадиях уголовного судопроизводства Российской Федерации: правовая регламентация и процессуальные особенности. Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. - Владимир, 2008. -С. 3-4.



Шу ўринда Л.В.Головканинг, жиноят процесси учун реал ва вертуал олам бир-бирдан фарқ қилмайди, бутун жиноят ишини рақамлаштириш жиноят процессуал жиҳатдан ҳеч нарсани ўзгартирмайди⁶, деган фикрлари мунозарали. Унинг процессуал баённома, қарор, ажрим ва ҳукмларни қўшниги пати ёки ручка билан, ёзув машинкасида ёхуд компьютерда ёзишда унинг мазмун-моҳияти ўзгармаслиги билан боғлиқ изоҳлари илмий мушоҳадани талаб этади⁷. Адибнинг асарларини электрон шаклда ўқиш уни янги адибга айлантirmаслиги ҳақиқат, аммо процессуал ҳужжатларни сиёҳ билан кўлда ёзишдан ёзув машинкасига ўтишда “инқилоб” рўй бермаганидек, уларнинг ёзув машинкасидан компьютерга ўтишида ҳам ҳеч қандай “инқилоб” рўй берган эмас⁸, деган қарашларга қўшилиб бўлмайди. Негаки процессуал ҳужжатларнинг имзоланишида “Ақлли рақамли дастурлар”, яъни “Электрон рақамли имзолар” яратилиб, бу ҳужжатларни

расмийлаштиришда туб бурилишга сабаб бўлди.

Аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ-3250-сонли Қарори, шунингдек судларда иш юритиш самарадорлиги ва аҳолининг одил судловга эришиш даражасини оширишга қаратилган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этилишини таъминлаш мақсадида Е-ХSUD судлов ахборот тизими ишлаб чиқилганлигини таъкидлаш жоиз. Ушбу рақамли тизим жиноят ишларини судьялар ўртасида автоматик тарзда тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ҳамда бирлаштириш, суд қарорларини Олий суд веб-сайтида эълон қилиш имконини бериб, унинг “Суд томонидан қўлланиладиган эҳтиёт чораларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг натижасига доир маълумотларни қайд этиш”, “Судьялар ўртасида тақсимланмаган жиноят ишлари”, “Рўйхатга олинмаётган аризалар, хатлар ва бошқа умумий мазмундаги мурожаатлар”, “Рўйхатга олинмаётган ишлар”, “Тайинлаш муддати бузилаётган жиноят ишлари”, “Ишни кўришни бошлаш муддати бузилаётган жиноят ишлари”, “Ишни кўриш муддати бузилаётган жиноят ишлари”, “Беш, ўн ва ундан ортиқ марта қолдирилиб кўрилаётган жиноят ишлари” каби “рақамли дастурлар” ёрдамида амалиётда судьяларга процессуал вазибаларнинг кетма-кетлигини ва асосийси процессуал муддатларни эслатиб борилишига эришилди. Бу

⁶ Головкин Л.В. Цифровизация в уголовном процессе: локальная оптимизация или глобальная революция? Вестник экономической безопасности. 2019;(1). –С. 15-25.

⁷ Khamitovna K. M. Forms of production research of hardware and software of a computer system//International journal of advanced research. - 2020. –Т. 8 №. 2. – С. 312-317.

⁸ Зуев С.В., Никитин Е.В. Информационные технологии в решении уголовно-процессуальных проблем // Всероссийский криминологический журнал. 2017. Т.11, №3. -С. 587-595; Зуев С.В. Электронное уголовное дело: за и против // Правопорядок: история, теория, практика. 2018. № 4. -С. 6-12; Богданович Н.А. Правовые аспекты формирования электронного уголовного дела: достоинства и недостатки // Информационные технологии и право: Правовая информатизация – 2018: сб. материалов VI Междунар. науч.-практ. конф. / под общ. ред. Е.И. Коваленко. Минск, 2018. -С. 91-95.



процессуал ҳужжатларни компьютерда оддий расмийлаштириш ёки сканерлаш эмас, балки ҳужжатлар сифати ва муддатини бузишга йўл қўймайдиган ақлли рақамли дастурлар ютуғидир.

Шу жумладан, ЖПКга янги 12¹-боб киритилиб, унда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш қоидалари ўз аксини топганлиги ҳамда 91¹-моддасида сўроқ қилиш, шахслар ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш каби тергов ҳаракатларини видеоконференцалоқа режимида ўтказиш қоидалари ҳам белгиланганлиги – рақамли жиноят процессининг айрим элементлари амалда жорий этилганлигидан дарак беради. Процессуал кодексга биноан, ушбу тергов ҳаракатлари қўйидаги асосларда видеоконференцалоқа режимида ўтказилади:

- 1) шахснинг жиноят ишини тергов қилаётган органга ёки тергов ҳаракати ўтказилаётган жойга соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра бевосита келиш имконияти бўлмаганда;
- 2) жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш зарурати туғилганда;
- 3) кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари ўтказилганда;

4) тергов ҳаракатини ўтказиш қийинлашиши ёки ортиқча харажатлар келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақида асосли сабаблар мавжуд бўлганда.

Келгусида юқоридаги асослар бўйича видеоконференцалоқа режимида ўтказишга рухсат этилган тергов ҳаракатлари доирасини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ бўлиб, бу миллий қонунчилик ва амалиётимиз самарадорлигини ошириш ҳамда тергов-суд фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали процессуал муддат ва харажатларни тежаш имконини беради. Мухтасар айтганда, рақамли технологиялар, дастурлар асосида жиноят процессига “Рақамли муддатлар” кириб келган бўлиб, судгача ва суд босқичини буткул рақамлаштириш асосида рақамли муддатларни тўлиқ ўрнатиш – жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ўз вақтида таъминланиши, процессуал қарор, ажрим ва ҳукмларнинг ўз вақтида қабул қилиниши, процессуал муддатларнинг қисқариши ва процессуал маблағларнинг тежалиши, жиноят процессида оқилона тезкорлик ва шаффофликнинг ўрнатилишига хизмат қилади.

References: